

Абдували ИСАДЖАНОВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси,
зиёрат туризми кафедраси доценти,
иқтисод фанлари доктори Dsc.
isadjanov@inbox.ru

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ: ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

ПАЛОМНИЧЕСКИЙ ТУРИЗМ: ОСОБЕННОСТИ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ

PILGRIMAGE TOURISM: FEATURES AND TRENDS OF DEVELOPMENT

Аннотация: туризмнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш хусусиятлари ва устувор йўналишлари кўриб чиқилди. Мамлакатнинг туризм соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар кўрсатилган. COVID-19 пандемияси контекстида мамлакатнинг туризм саноатини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг хусусиятлари, шу жумладан транспорт тизими, тадбиркорлик ва меҳмонхоналар саноатини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар очиб берилган. Пандемия шароитида туризм соҳасини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари, унинг оқибатлари туристик саноат ривожига таъсирини таҳлил қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар: туризм, зиёрат туризми, пандемия, COVID-19, барқарор туризм, диний туризм, барқарор ривожланиш мақсадлари, атроф-муҳит.

Аннотация: Рассмотрены роль туризма в национальной экономике, особенности и приоритетные направления развития туризма в Узбекистане. Показаны меры стимулирования развития туристической отрасли страны. В условиях пандемии COVID-19 раскрыты особенности мер

поддержки туристической отрасли страны, включая меры поддержки транспортной системы, предпринимательства, гостиничного хозяйства. Значительное внимание уделено анализу современных тенденций развития туристической отрасли в условиях пандемии, влиянию её последствий на развитие туристической отрасли.

Ключевые слова: туризм, паломнический туризм, пандемия, COVID-19, устойчивый туризм, религиозный туризм, цели устойчивого развития, окружающая среда.

Annotation: The role of tourism in the national economy, features and priority directions of tourism development in Uzbekistan are considered. The measures to stimulate the development of the country's tourism industry are shown. In the context of the COVID-19 pandemic, the features of measures to support the country's tourism industry were disclosed, including measures to support the transport system, entrepreneurship, and the hotel industry. Considerable attention is paid to the analysis of current trends in the development of the tourism industry in the context of a pandemic, the impact of its consequences on the development of the tourism industry.

Keywords: tourism, pilgrimage tourism, pandemic, COVID-19, sustainable tourism, religious tourism, sustainable development goals, environment.

Туризм энг тез ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, туризм ХХІ асрнинг энг даромадли соҳасига айланди. Туризм транспорт, озик-овқат, меҳмонхона, савдосотик, ҳунармандчилик, қурилиш ва бошқа хизмат турларини ҳам ривожланишига олиб келади. Ўзбекистонда туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик йўналишига айлантириш ва унинг диверсификация ва ҳудудларни жадал ривожланишини таъминлаш борасида устувор вазифалар сифатида белгиланган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган

имтиёзлар келгуси йил якунигача узайтирилиши таъкидлаб ўтилган [2].

Ш.Рузиев Ўзбекистонда тарихий-маданий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини индикатив бошқариш тизимини ривожлантиришига эътибор қаратган[3]. Муаллифнинг фикрига кўра, тарихий-маданий туризмнинг моддий меъросини бошқариш учун объектлар сони, объектларнинг ҳолати, аслига тўғри объектлар улуғлиги ва объектларнинг ҳар хиллигини ҳисобга олиш зарур.

Б.Сафаров туристик хизматлар бозори истиқболини аниқлашнинг инновацион усуллари асослаб берган [4: 47]. Мақолада Ўзбекистон Республикасида туристик хизматлар бозори истиқболини аниқлашнинг инновацион усуллари ва туризм ривожланишига таъсир этувчи омилари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган. А. Худоёров халқаро туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос ташкилий иқтисодий жиҳатларини ёритган, алоҳида эътибор, мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналиши бўлган туризмнинг халқаро талабларга жавоб бера оладиган моддий-техника базасини барпо этишга қаратилган [5:9].

И. Тухлиев, Ғ. Қудратов, М. Пардаевлар туризм соҳасида режалаштириш ва бошқариш, туризм корхоналарида бизнес режалаштириш масалаларига эътибор қаратишган, туристик бозорнинг функциялари ва таркиби, унга таъсир этувчи омиллар ва туристик бозорда маркетинг стратегия масалаларини ёритишган [6]. Ўзбекистон туризм соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва устувор йўналишлари, баъзи мусулмон мамлакатлари бозорларида харид қобилияти ўсиб бориши ва янги харидорлар сонининг ортиши туфайли моддий жиҳатдан фаровон бўлган ўрта синф шаклланиши натижасида халқаро туризмда мусулмон сайёҳлар улуғлиги ортиб бориши кўриб чиқилган [7: 196-202].

Зиёрат туризм эса глобал туризм назарияси ва амалиётида нисбатан яқинда юзага келган ҳодисадир. К. Оганесян зиёрат туризмнинг ижтимоий-психологик базасининг хусусиятларига эътибор бериб, диний туризм туризмнинг мустақил турига киритади [8:792]. Д. Максимов фикрига кўра, диний туризм

икки турга эга: зиёрат туризми ва экскурсияга йўналтирилган диний туризм [9:111].

Мусулмон мамлакатлари туристларини жалб қилиш ва зиёрат туризмни ривожлантириш орқали катта туристик оқимни йўлга қўйиш мумкин. Шунинг учун ҳам зиёрат туризми инфраструктурасини шакллантириш, зиёратгоҳлар ҳақида маълумотлар базасини кенгайтириш, маҳсулотлар ва хизматлар бозори жадал суръатлар билан ривожлантириш, демографик вазиятга кўра яқин йилларда дунё мусулмон аҳолиси тез суръатлар билан кўпайишини эътиборга олиш катта аҳамиятга эга.

Анъанага кўра зиёрат туризми кўпинча фақат Ҳаж ва Умра билан боғлиқ бўлган. Бироқ сўнгги пайтларда бутун дунё бўйлаб бизнес ва дам олиш билан боғлиқ бўлган мусулмон сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган товарлар ва хизматларнинг оқими кўпайиши кузатилмоқда. Зиёрат сайёҳлик бозори ўтган йиллар давомида тез суръатларда ўсиб бормоқда ва жаҳон сайёҳлик бозорининг энг тез ўсиб бораётган сегментларидан бирига айланди. Ҳозирги кунда зиёрат туризми Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига (ИХТ) аъзо давлатларнинг иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

Бошқа томондан, ИХТга аъзо бўлмаган мамлакатларда яшовчи мусулмонлар зиёрат сайёҳлик фаолиятига тахминан 42,3 млрд. АҚШ долл. сарфладилар. Ушбу бозор ҳажми 2021 йилда йиллик ўсиш суръати 8,3 фоизни ташкил этиб, 243 млрд. АҚШ долл. етиши кутилмоқда [10]. COVID-19 пандемияси туризм соҳасига катта зарба берди. Туризм соҳасидаги глобал инвестициялар 2020 йил биринчи ярмида ўтган йилга нисбатан 73,2 фоизга камайди [11].

Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, 2020 йил якунлари бўйича халқаро саёҳатлар 89 фоизга, иш ўринлари 74 миллионга қисқариши, соҳадаги жами йўқотишлар 800 млрд. АҚШ долл. ташкил этиши кутилмоқда. Маълумки, пандемия даврида мамлакатимиз, бошқа мамлакатларга ўхшаб, ташқи ва ички туристлар учун ёпилган эди. Оқибатда 1,5 мингдан ортиқ туроператор, 1,2 мингта меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди. Бу гидлар, миллий хунармандчилик, зиёратгоҳ ва сиҳатгоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан қўшиб ҳисоблаганда 250

мингдан ортиқ аҳоли даромадига жиддий таъсир қилди [12]. COVID-19 инқирози ташқи инвестицияларнинг кескин пасайишига олиб келади. 2019 йилга нисбатан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келиши 2020 йилда 40% гача камайиши кутилмоқда [13].

Маълумки, ушбу соҳани стратегик аҳамиятини инобатга олган ҳолда, туризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш концепцияси доирасида туризм соҳасининг асосий мақсадлари белгиланди, соҳанинг ривожланиш босқичлари ва йўналишлари аниқланди. Мамлакатимизда тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида бир қатор муҳим натижаларни келтириш мумкин.

Биринчидан, туризм Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан иқтисодиётнинг устувор йўналиши сифатида танлаб олинishi, 86 давлат фуқаролари учун виза тизимининг бекор қилиниши, 70дан ортиқ мамлакат фуқаролари учун электрон виза олиш тизими жорий этилгани ҳамда пандемияга қадар хорижий сайёҳлар сони 5 баробарга ошгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Иккинчидан, COVID-19 коронавирус пандемияси даврида туризм соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш тизими, уларга берилаётган имтиёзлар ҳамда 2021 йил якунига қадар амалда бўлган қарорлар минглаб иш ўринларини сақлаб қолиш, Ўзбекистонда йўлга қўйилган махсус “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” (“Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланади”) тизими ҳам бўйича ташаббус, туризм соҳасидаги инвесторлар учун “Global Tourism Investment Forum” халқаро форумини ташкил қилиш катта аҳамиятга эга [14].

Коронавирус пандемияси туфайли юз берган глобал инқироз натижасида мамлакатимиз туризми энг жиддий зарар кўрган соҳалардан бири бўлди. 2020-йилда жами 1 млн. 504 минг турист ташриф буюрди. Бунда уларга 261 миллион АҚШ доллари миқдорида туризм хизмати кўрсатилди. 2021йилда зиёрат туризмига кўпроқ эътибор қаратилди. 2021 йилда эса Ўзбекистонга 1 млн. 700 минг нафар хорижий сайёҳ ташрифини таъминлаш белгиланган.

Учинчидан, 2020 йилда маҳаллий сайёҳлар сони 1,8 млн. ташкил этгани ҳамда 2021 йилда эса 7,5 млн. юртдошларимизни сайёҳликка жалб этиш кўзда тутилган. Сайёҳлар учун қулай ва ҳамёнбоп саёҳатларни ташкил этишга йўналтирилган. “Транспорт, яъни авиа ва темир йўл чипталарини 30 фоизга чегирма қилиш назарда тутилган механизм яратилади.

Тўртинчидан, транспорт логистикасида мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, янги йўналишлар очилиши ҳам белгилаб олинди. Андижон–Хива тўғридан-тўғри темир йўли, Фарғона–Урганч авиарейси, Термиз ва Қарши шаҳарларидан Урганч шаҳрига темир йўл ва авиакатновлар йўлга қўйилади. Бундан ташқари, қўшимча 2 та тезюар поезд ҳаракатини йўлга қўйиш ҳамда Бухоро–Урганч–Хива темир йўлини электрлаштириш орқали катновлар даврийлигини ошириш чоралари кўрилмоқда [15].

Бешинчидан, Тошкент шаҳрида 2021-2023 йилларда маҳаллий ва хорижий ташаббускорлар томонидан жами қиймати 9,442 трлн. сўм миқдоридаги 90 та лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 739,5 млн. АҚШ долларни ташкил этиб, шундан 3 596 та хона ва 7 050 та ўринга мўлжалланган 66 та меҳмонхона, 12 та савдо, кўнгилочар бизнес маркази, 9 та маданият ва истироҳат боғи ва 3 та хунармандчилик марказлари барпо этилиши назарда тутилган. 2021 йилда туризм соҳасига доир инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 6 102 та янги иш ўрни яратилади [16].

Олтинчидан, мамлакатимизда туризм индустриясини янада такомиллаштириш мақсадида зиёратчиларга қатор қулайликлар яратилиб, хизмат кўрсатиш тизимлари учун алоҳида тартиблар белгиланди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва “Uzbekistan Airports” АЖ ҳамкорлигида ишлаб чиқилган дастур асосида зиёратчиларни ташиш бўйича мамлакатимиз халқаро аэропортларида хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемаларига ерда кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари учун эълон қилинган тарифларга 50 фоизгача чегирмалар жорий қилинади [17].

2021-2022 йиллар ҳам туризм соҳаси учун синовли давр бўлиши кутилмоқда. Туризмни

ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг хорижий маслаҳатчиси Содиқ Бадак (Sodiq Badak) фикрига кўра, ушбу вазиятда дунёнинг ривожланаётган давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам дунё бўйлаб туризм соҳасидаги “турғунлик”дан фойдаланиб, ўзларининг туризм инфратузилмаларини талаб даражасида яхшилаш ва ривожлантириш имкониятига эга. Шу ўринда, Ўзбекистон ҳукумати томонидан мураккаб пандемия шароитида туризм соҳасини барқарор ҳолатда ушлаб туриш ва келгусида уни комплекс ривожлантириш учун “Ўзбекистон туризм – 2035” махсус стратегияси ишлаб чиқилиб, бу борадаги зарурий ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтилди [18].

COVID-19 пандемияси шуни аниқ кўрсатдики, биринчидан, барқарор туризм нафақат иқтисодий ўсишни кўллаб-қувватлайдиган анъанавий инвестицияларни ривожлантиришни, балки барқарор инвестицияларни ҳам талаб қилади.

Пандемиянинг оқибатларини юмшатиш мақсадида бу соҳага ҳам қатор энгилликлар берилди. Жумладан, 1 минг 750 та субъектга мол-мулк, ер ва ижтимоий солиқлардан 60 миллиард сўмга яқин имтиёз тақдим этилди. “Uzbekistan. Safe travel guaranteed” (“Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган”) бренди остида туристлар учун санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда ички туризмни тиклаш ва ривожлантириш борасида биринчи босқичда “яшил” ҳудудлар ўртасида ички туризмга рухсат бериш зарурлигини таъкидланди. Тоғли жойлар ва кўл бўйларида энгил конструкцияли дам олиш масканларини ташкил этиш ва уларни дислокацияси тасдиқланиб, электрон порталга жойлаштирилади. Кейинги босқичда коронавирус касаллиги жиловланган давлатлар рўйхатини шакллантириб, улар билан туризм алоқаларини босқичма-босқич тиклаш кераклиги таъкидланди [19]. Зиёрат туризмни ривожланишида унинг барқарорлик жиҳатларига катта эътибор қаратиш лозим. БМТ Бош ассамблеяси 2015 йилда 2017 йилни Халқаро барқарор ривожланиш йили (IY2017) деб эълон қилди, бу барча мамлакатлар томонидан туризм салоҳиятини тан олиш эди [20]. Барқарор ривожланиш, “келажакдаги

авлодларнинг эҳтиёжларини кондиритиш қобилиятига путур етказмаслик билан бирга ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ривожланиш” деган маънони англатади, ҳозирда узоқ муддатли глобал ривожланишнинг асосий тамойилига айланди [21].

Ўз навбатида, барқарор зиёрат туризм бу ҳозирги ва келажақдаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик ҳолатни чуқур анлаган туризмдир [22: 83-98]. Шу муносабат билан С.Аалл туризмнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга қаратилишини (яшил туризм, яшил туризм, экотуризм, барқарор туризм, геотуризм, муқобил туризм) эътироф этмоқда [23: 2562–2583].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйдаги хулосаларни келтириш мумкин. Биринчидан, Ўзбекистон учун жадал ривожланиб бораётган зиёрат туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратиш ҳалол сифатларига эга озик-овқат, меҳмонхона, савдо-сотиқ ва бошқа хизмат турларини ҳам ривожланишига олиб келади. **Иккинчидан,** жаҳон туризми учун Ўзбекистон географик жиҳатдан анча қулай жойлашган. Бу омил зиёратчилар учун қисқа муддатли транзит зиёрат саёҳатларини амалга оширишлари мумкин. Шунингдек, транспортнинг ички ва ташқи турларини ҳисобга олган ҳолда зиёратчилар оқимини кўпайтириш ва диверсификация қилиш учун ягона, хавфсиз ва инновацион транспорт логистикасини ривожлантиришга олиб келади. Шу жумладан, Ўзбекистон халқаро коридорларини Европа, Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари ҳамда Яқин Шарқ билан ҳам боғлаш орқали зиёратчиларнинг кенг оқимини жалб қилиш мумкин. **Учинчидан,** Ўзбекистон ислом оламида ўз тарихи билан юқори мавқега эга. Мусулмон туристик бозори йилдан йилга кенгайиб, талаб ҳам ортиб боришини эътиборга олган ҳолда, мусулмон мамлакатлари зиёратчиларини жалб қилиш ва зиёрат туризмни ривожлантириш орқали катта туристик оқимни йўлга қўйиш мумкин.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати

1. О реализации Концепции развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019-2025 годах/ <https://review.uz/post/sleduya-konceptualnomu-kursu>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
3. Рузиев Ш.Р. Ўзбекистонда тарихий-маданий туризми ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини индикатив бошқариш методикаси// Иқтисод ва молия илмий-амалий журнал. Т.:2018 йил. №11(119). 30-бет
4. Сафаров Б. Туристик хизматлар бозори истиқболлини аниқлашнинг инновацион усуллари// Иқтисодиёт ва таълим журнали. Тошкент ш., 2017 йил. №4. 47-53 бет.
5. Худоёров А.А. Ўзбекистонда халқаро туризми ривожлантиришнинг ўзига хос ташкилий иқтисодий жиҳатлари// Иқтисод ва молия илмий-амалий журнал. Т.: 2019 йил. №8(128). 9-бет.
6. Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.К. Туризмни режалаштириш.Т.: Иқтисод-Молия. 2010 й.
7. Исаджанов А.А., Гулмуродов И. TOURISM DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN: CURRENT TRENDS AND NATIONAL PRIORITIES,” The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 27. P. 192-202.
8. Оганесян, К. С. Роль религиозного туризма в международном туристском бизнесе / К. С. Оганесян. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2013. — № 12 (59). — С. 791-793.
9. Максимов Д. В. Сегментация и перспективы рынка религиозного туризма. Курортно-рекреационный комплекс в системе регионального развития // Мат. II Региональной научно-практической конференции. — Краснодар: Просвещение-Юг. 2005. — С. 109–113.
10. Strategic roadmap for development of Islamic Tourism in OIC member countries. 2017. <https://www.oic-oci.org/docdown/?docID=1777&refID=1071>
11. Global FDI Greenfield Investment Trends in Tourism in association with FDI Intelligence from the Financial times. <https://www.unwto.org/investment/tourism-investment-report-2020>
12. Коронавирус жilовланган давлатлар билан туризм алоқалари босқичма-босқич тикланади. <https://review.uz/oz/post/koronavirus-jilovlangan-davlatlar-bilan-turizm-aloqalari-bosqichma-bosqich-tiklanadi>
13. Доклад о мировых инвестициях 2020. ООН. 2020. https://unctad.org/system/files/official-document/WIR2020_overview_ru.pdf
14. Aziz Abduhakimov Ispaniyada UNWTO Bosh kotibi bilan uchrashdi.
15. <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=1552>. 19.01.2021.
16. O‘zbekistonda sayyohlar statistikasi va ular uchun yaratilayotgan sharoitlar. <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=1541.10.01.2021>
17. Toshkent shahrida 2021 yil turizm sohasida amalga oshiriladigan investitsion loyihalar belgilab olindi. <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=1540.09.01.2021>
18. O‘zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirish yo‘lida qator qulayliklar yaratilmoqda. <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=1549>
19. Sodiқ Badak: “Pandemiya – rivojlanayotgan davlatlarda turizm sohasi rivoji uchun o‘ziga xos imkoniyat”. <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=1551>
20. Коронавирус жilовланган давлатлар билан туризм алоқалари босқичма-босқич тикланади. <https://review.uz/oz/post/koronavirus-jilovlangan-davlatlar-bilan-turizm-aloqalari-bosqichma-bosqich-tiklanadi>
21. **Sustainable Development Goals -Journey to 2030.** World Tourism Organization (UNWTO) and United Nations Development Programme (UNDP). 2017.
22. Устойчивое развитие. <http://www.un.org/ru/ga/president/65/issues/sustdev.shtml>.
23. Minciu R., Popescu D., Padurean M., Hornoiu R., Baltaretu A. Commercialization of holidays in the protected natural areas – form of the sustainable development in tourism // Amfiteatru Economic. 2010. Vol XII. No. 27. PP.83–98.
24. Aall C. Sustainable Tourism in Practice: Promoting or Perverting the Quest for a Sustainable Development? // Sustainability. 2014, Vol.6, PP. 2562–2583